Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 144 (20. 411) • 1989 йил 18 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КИТОБЧА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

«Н. И. Рижков. СССР ҳукуматининг келгуси фаолияти программаси тўғрисида. СССР халқ депутатлари съездида қилинган доклад ва якунловчи нутқ. 1989 йил 7. 9 июнь» китобчаси нашр этилди.

Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан тайёрланган китобча «Красний пролетарий» босмахонасида чиқарилди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор **қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонун лойиҳалари тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ маорифи ва маданият доимий комиссиялари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилсин. Лойиҳа республика ва область газеталарида эълон қилинсин.

2. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область Советлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, оммавий ахборот воситалари қонун лойиҳасининг муҳокамасини ташкил этсинлар ҳамда халқ депутатлари, граждандар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари қонун лойиҳаси юзасидан киритган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирсинлар.

3. Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси у эълон қилинган кундан бошлаб икки ой муҳокама этилиши белгилаб қўйилсин. Қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, ҳар ўн беш кунда бир марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этилади.

4. Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни эътибор билан ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ маорифи ва маданият комиссиялари составидан ишчи группаси тузилсин.

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари тайёрлаш, миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари, халқ маорифи ва маданият комиссиялари Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг халқ муҳокамаси якунлари бўйича унга зарур тузатишлар ва қўшимчалар қўшиб, кейинчалик Ўзбекистон ССР Олий Совети га киритиш учун уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1989 йил 18 май.

(Қонун лойиҳаси газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

• РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА •

ҚАШҚАДАРЁ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЮТУҒИ

Қашқадарё области «кумуш тола» ижодкорлари давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 2 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё топширилди. Ҳар қути ипак қуртидан 63 килограммдан пилла олинди. 90 процент ҳосил юқори сортларга топширилди.

Қўлга киритилган муваффақиятга Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Косон, Ульянов, Нишон, Муборак районлари пиллакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Усмон Юсупов районидаги «Янгиобод» совхозидан Муаззам Қурбонова, Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхоздан Новвот Раҳматова, Косон районидаги «Косон» совхозидан Офтоб Арслонова, Муборак районидаги 31-совхоздан Гавҳар Бозорова, Ульянов районидаги «Пахтазор» совхозидан Зебо Ниёзова каби юзлаб илғор пиллачилар ҳар қутидан 70-80 килограммдан «кумуш тола» териб топширдилар.

Область хўжаликларида давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Пиллакорлар яна 50 тонна қимматли саноат хом ашёси тайёрлаш мажбуриятини олишган.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Чўлқуварлар ғайрати

Хатирчи районидаги Куйбишев номли колхознинг даштдаги участкасида жойлашган Қ. Азизов бошлиқ бригадаси миришкорлари бу йил 63 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришни кўзлашмоқда. Бригада далаларида иш юксак аҳдга яраша ташкил этилган. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш, ўсимликни минерал ва органик ўғитлар аралашмаси билан озиқлантиришга алоҳида эътибор беріляпти.

Ғўза тагини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш ишлари ҳам қизғин.

Ш. ҲАСАНОВ.

«Космос-2028» учирилди

1989 йил 16 июнда Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси билан ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-2028» учирилди.

(ТАСС).

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Сурхондарё. Бу йил Ангор районидаги «Таллимарон» совхози пахтакорлари Ватанни мўл ҳосил билан қувонтириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар табиат инжиқликларига қарамай ғўзаларни яхши парваришлаётирлар. Вақтида суғориб, вақтида культивация қилиш натижасида ниҳоллар баравж ривожланмоқда.

Хўжалик миришкорлари бу йил ғўзанинг янги «Бухоро-6» нави чигитини ҳам экишди. 600 гектар майдонга ана шу нав чигити экилди. Ўрал Бобомуродов етакчилик қилаётган участкадаги асосий майдонлар шу нав билан банд. Хўжалик бўйича умуман 2625 гектар ерда ғўза ўстириляпти.

Айни кунларда механизаторлар баракали ишлаб, суръатга суръат қўшишяпти. Ҳозир ғўзаларга тўртинчи комплекс ишлов берилмоқда.

Юқорида илғор агроучастка бошлиғи Ўрол Боймуродов (чапда) ва илғор ишчи Бахтиёр Назаров. Пастда эса ғўзаларга ишлов бериш пайти тасвирланган.

И. ХУЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

• Мутахассис маслаҳати

ҒЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бу йилги об-ҳаво деҳқончилик учун ноқулай келди. Дастлаб экиш муваффақиятли бошланган бўлса-да, кейинги қийинчиликлар қишлоқ хўжалиги ишларини бир маромда ташкил этишга жиддий тўсиқ солди. Шундан келиб чиққан ҳолда бу йилги экиш мавсумини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр — чигит экиш Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областидан ташқари барча жойларда 22-23 апрелда тугалланди. Аммо апрелдаги ҳаво ҳарорати пасайганлиги ва шамолнинг кўп бўлиши натижасида тупроқдаги нам кўтарилиб, уруғликнинг униб чиқиши тўхтаб қолди.

Буларнинг ҳаммаси 400 минг гектар майдонга чигит суви беришни тақозо этди. Натижада 30 апрелга келиб, фақат бир миллион гектарда чигит ундириб олинди. Бу ўтган йил шу даврдагидан қарийб 500 минг гектарга кам эди.

Иккинчи давр — 1-2 май кунлари бўлиб ўтган совуқ натижасида 1 миллион 150 минг гектар ердаги ғўза ниҳоллари зарарланди. Шундан 1 миллион гектар ердаги ғўза қаттиқ шикастланган бўлиб, зудлик билан қайта экишни талаб қиларди.

Жуда катта майдонларда чигитнинг қайта экилиши натижасида Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Сурхондарё областининг шимолий районларида ғўза ривожи 20—25 кун орқада қолди. Фарғона водийси ва Бухоро областида бу кўрсаткич 10—15 кунни, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида 8— 10 кунни ташкил этди.

Чигит қайта экилган жойларда фойдали ҳарорат йиғиндиси бор-йўғи 350—400 даражани ташкил этмоқда. Бу нормадагидан 1,5—2 маротаба кам бўлиб, ўсимликда 4-5 та чин барг ҳосил бўлди. Табиийки, бундай аҳвол ташвиш туғдирмай қолмайди. Ҳозирга келиб, жами майдонлардаги ғўзанинг тўртдан бир қисми шоналамоқда. 700 минг гектар ердаги ғўзаларда эса 5-6 та, 600 минг гектар ердаги ғўзада 3-4 та, 100 минг гектардан зиёдроқ ерда 1-2 та чин барг чиқарган.

Кўп жойларда ғўза ривожини тезлатиш, қолоқликни тугатиш учун культивация билан бир вақтда ўсимлик минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантириляпти. Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва бошқа областларнинг колхоз ва совхозларида ўсимлик ҳозиргача икки мартадан ортиқ культивация қилиниб, бир ярим маротаба озиқлантирилди. Лекин олиб борилаётган катта ҳажмдаги ишларнинг сифати кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Қатор хўжаликларда технология интизомини бузиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, Избоскан районидаги намунали хўжалик ҳисобланган «Октябрь 50 йиллиги» совхозида суғоришдан кейин ўтказилиши лозим бўлган культивация кечиктириб юборилди. Бу тадбир қотиб кетган ерда ўтказилганлиги учун йирик-йирик кесак кўчиши содир бўлди. Шундай ҳолни Навоий районидаги «Зарбдор» совхозида ҳам учратиш мумкин. «Ўрта чўл юлдузи» совхозида эса ғўза қатор оралари озиқлантирилмасдан культивация қилиняпти. Шу райондаги «Нарпай» ва «Гигант» совхозлари далаларини ўт босиб кетган. Ангор районидаги «Таллимарон» совхози ва «Коммунизм» колхози, Гагарин районидаги «Советобод», «Комсомолобод», «Янгиобод» совхозлари, Шеробод районидаги «Шеробод», «Октябрь 60 йиллиги» ва Қодиров номли совхозларда ҳам ғўзалар ўтдан тозаланмаган.

Олтинсой, Денов, Ангор, Избоскан, Оқолтин, Чиноз ва Октябрь районларидаги бир қатор хўжаликларда культивация ва ягана кечикиб ўтказилаётгани устига сифатсиз бажарилмоқда. Агар аҳвол шундай давом этадиган бўлса ғўза ривожини тезлатиш ўрнига яна ҳам кечиктириб юбориш мумкин.

Ғўза ривожидаги қолоқликни тугатиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Аввало қатор ораларига бериладиган ишлов (суғориш, культивация, ўғитлаш) даврини 15-18 кунга қисқартириш керак. Суғоришдан кейин ўтказиладиган культивацияни ўз вақтида адо этиш, айниқса ўсимлик илдизининг шикастланишига йўл қўймаслик даркор. Бу йил чигит қайта экилган майдонларда минерал ўғитлар солиш муддатини қисқартириш лозим. Ўғитни ҳар гал қатор ораларига ишлов бериш билан бирга солиш тавсия этилади. Ҳамма ғўзалар фосфорли ва калийли ўғитлар билан тўла таъминланишига эришиш керак. Шу йўл билан ҳосилнинг тез етилиши ва сифатли бўлишига эришиш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, ғўза ривожи кечикаётган ҳозирги шароитда уни азотли ўғитлар билан озиқлантириш ҳосилнинг кеч етилиши ва уни йиғиб-териб олишнинг чўзилишига олиб келади, Минерал ўғитлар билан органик ўғитларни қўшиб солиш эса ғўза ривожини анча тезлатиши мумкин.

Ҳозирги муҳим вазифалардан бири — яганалашни иложи борича тезлатиш, пайкалларда кўчатларнинг қалин бўлишига йўл қўймасликдир.

Маълумотларга қараганда, июнь ойида ҳарорат нормадаги даражада бўлмоқда. Аммо июль ойи анча иссиқ келиши кутилаётир. Ана шу даврда ўсимликни чанқатиб қўймаслик жуда муҳим. Акс ҳолда тўпланаётган ҳосил нишоналари тўкилиб кетиши мумкин. Шунинг учун жуда иссиқ кунлар бошлангунга қадар яъни июль ойининг иккинчи ярмигача барча майдонлардаги ғўзаларни қондириб суғориш лозим.

Ғўзаларни бостириб суғориш ўсимликнинг ғовлаб кетиши ва ҳосилнинг кеч етилишига олиб келишини миришкор деҳқонлар яхши билишади. Шунинг учун уста миробларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиш, ўқариқларни калта олиш, сувни жилдиратиб оқизиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсимликни бегона ўт босишига йўл қўймаслик мўл ҳосил етиштиришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун далаларни доимо назорат қилиб туриш, бегона ўтлардан тозалаб бориш даркор. Ғўза касалликлари ва зараркунандаларга қарши курашни оқилона йўлга қўйиш ҳосилни сақлаб қолишга ёрдам беради. Демак, ҳар бир дала мутахассисларнинг назоратида бўлмоғи даркор. Касаллик ва зараркунанда ўчоқларини ўз вақтида аниқлаб, таъсирчан чоралар кўриш билан йиллик план ва мажбуриятларимизнинг бажарилишига муносиб замин яратамиз.

Р. НАЗАРОВ,
Республика Давлат агросаноат комитети пахта ва бошқа экинларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш бош қармаси бошлиғи.

Дунё овози

МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ БОБ ОЧИЛДИ

Чет эл оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг Германия Федератив Республикасига визити тўғрисида ўзларининг жуда кўп тингловчи ва газетхонларини ғоят муфассал хабардор қилмоқдалар. СССР билан ГФР ўртасидаги, иккала давлат халқлари ўртасидаги муносабатларда ўзгаришлар рўй бераётгани, бу ўзгаришлар Европа учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда. Шарҳловчилар визит давомида бир қанча аниқ-равшан, амалий битимлар тузилганига эътиборни жалб қилмоқдалар, ана шу битимларнинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли, самарали Совет-Ғарбий Германия ҳамкорлиги соҳаларини анча кенгайтиради.

БОНН. М. С. Горбачевнинг визити — Бонн билан Москва ўртасидаги муносабатларнинг муҳим босқичи, Европани бирлаштириш жараёнига қўшилган ҳисса бўлиб, ундан кузатилган мақсад Умумевропа тинч тартибини вужудга келтиришдан иборатдир, деди «Дойчландфунк» радиостанцияси мухбири билан суҳбатда Германия социал-демократик партиясининг раиси Х. -Й. Фогель. У Боннда имзоланган Қўшма баёнотга юксак баҳо берди. Шу билан бирга ГСДП раиси федерал ҳукумат шанига таъна сўзлари айтиб, Москва кичик масофа ракеталари хусусида дарҳол музокаралар бошлашга тайёр бўлиб турган бир пайтда ҳукумат хавфсизликни таъминлаш соҳасида бундан буёнги қадамларни қўйишдан уяляпти», деди.

Бундестагда эркин демократик партия фракциясининг раиси В. Мишник Қўшма баёнотни «икки томонлама муносабатлардаги ҳал қилувчи ёриб ўтиш», деб таърифлади.

ВАШИНГТОН. «Уолл-стрит жорнэл» газетаси визитни «Совет сиёсий маҳоратининг тантанаси» деб атаб, Совет раҳбари ғарбий немисларнинг астойдил хайрихоҳлигини қозона олганлигини эътироф этди. АҚШ савдо-саноат доираларининг органи бошқа бир материалда асосий эътиборни олий даражадаги Совет-Ғарбий Германия музокараларининг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Газета иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган битимлар имзоланганлиги ҳақида хабар қилиб, қуйидагиларни ёзади: «Аммо Горбачев яна ҳам кўпроқ натижаларга эришишни истаётганлиги равшан бўлиб қолди, унинг Кельн савдо-саноат палатасида сўзлаган нутқи шундан далолат берди, нутқни саноатчилар ва молиячилардан тахминан 1000 киши тинглади. Совет раҳбарининг асосий мақсади савдо-саноат аҳли билан бевосита мулоқотда бўлиш эди, савдо-саноат аҳли эса Совет Иттифоқи бошидан кечираётган баъзи иқтисодий муаммоларга жавоб топишда ёрдам бериши мумкин».

СОФИЯ. Иккала мамлакатнинг иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида интенсив музокаралар ўтказиш учун Баден-Вюртемберг ўлкаси танлаб олинганлиги тасодифий эмас, деб уқтиради «Работническо дело» газетаси. Айни мана шу ўлка, шунингдек унинг бош шаҳри Штутгарт ГФРда фан-техника тараққиётининг бир қанча йўналишларида пешқадамлик қилмоқда.

ТОКИО. «Майнити» газетасининг мухбири ГФР пойтахтидан қуйидагиларни хабар қилди: Бонн Қўшма баёноти бутун бир даврга тааллуқли... тайдиган аҳамиятга эгадир, чунки у иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган «тарқоқ Европа» структурасидан чиқиш, янги «Европа бирлиги»ни барпо этиш истиқболларини очди. Ана шундай бирлик муҳолифликка ва ўзаро ғанимликка эмас, балки ишонч ва ҳамкорликка асосланади.

ЛОНДОН. Мамлакатнинг асосий телекомпаниялари Штутгарт аҳолиси М. С. Горбачевни ниҳоятда самимий кутиб олгани тўғрисидаги репортажларни кўрсатди. Ай-ти-ви телекомпанияси шарҳловчисининг фикрича, ҳозир Буюк Британия ва Қўшма Штатлар Бонн Москвага ҳаддан ташқари кўп энг замонавий технологияни бериб қўйиши мумкин, деб хавотирга тушмоқдалар. Айни вақтда автор Ғарб мамлакатларида, шу жумладан Англия ва ГФРда социалистик мамлакатларга экспорт устидан назорат қилувчи мувофиқлаштириш комитети тобора кўпроқ танқид қилинмоқа ва АҚШ назоратидаги шу ташкилот Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқда жорий этган кўпгина чеклашлар бекор қилиниши талаб этилмоқда, деб уқтиради.

(ТАСС).

Ўзбекистон ва жаҳон

Дамашқда «Самарқанд» магазини

● Сурия пойтахтининг марказий кўчаларидан бирида «Самарқанд» магазини ишлаб турибди.

Бу ерда олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари, турли безаклар ва тақинчоқлар билан савдо қилинади. Турли мамлакатлардан келган саёҳатчилар «Самарқанд» магазинидан совғалар олишга ошиқаётгани кўзга ташланиб туради.

Басрада пионерлар учрашуви

● Басрада пионерлар билан совет ёшларининг дўстлик учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув эрамизгача III асрда бунёд этилган қадимий стадионда уюштирилди.

Пионерлар ташкилотининг бошлиғи Дара Сурия ёшларининг ҳаёти, ўқиши, ишлари ҳақида сўзлаб берди. Совет ёшлари, хусусан, ўзбекистонлик пионерлар олиб бораётган ишлар басраликларда катта қизиқиш уйғотди. Учрашувда араб, рус, ўзбек қўшиқлари янгради. Ёш раққосалар ўйинга тушдилар. Учрашув охирида ўзбекистонлик ёшлар сурияЛик пионерларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива кўринишлари акс эттирилган откриткалар ва значокларни совға қилишди.

Ўзбек адабиётига қизиқиш

● Суриянинг йирик шаҳарларидаги китоб магазинларида ўзбек адабиётига қизиқиш катталиги кўзга ташланади.

Китоб магазинларида кейинги йилларда Ҳамза, Ғафур Ғулом ва Ойбек асарлари сотила бошланди. Дамашқ нашриётлари Алишер Навоий ва Бобур асарларининг янги нашрларини чоп этиш ниятида эканликларини билдиришди.

Қ. АҲМЕРОВ.

АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

17 июнь куни Жиззах шаҳрида Сирдарё область партия хўжалик активларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари республика партия-хўжалик активларининг 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши қарорларини муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан кишилар Фарғона области, республикамизнинг бошқа регионларидаги аҳволни барқарорлаштириш борасидаги тадбирларни якдил қўллаб-қувватладилар. Ҳозир омма орасида партия таъсирини ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш, одамларга ҳақиқатни айтиш, ҳар хил миш-мишларга қарши кураш зарурлиги уқтирилди. Йиғилишчилар, халқ йиғинлари ўтказиш, уларда вазиятни тушунтириш, барча миллатлар ва элатларнинг бирдамлигига ҳар томонлама кўмаклашиш зарур.

Активлар йиғилишида Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ЖИЗЗАХ, 17 июнь. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сирдарё область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва область саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли маҳсулот, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида пулли хизматлар кўрсатиш борасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси А. А. Айдарқулов доклад қилди.

Депутатлар агросаноат комплекси доимий комиссиясининг ҳисоботини тингладилар, сайловчиларнинг СССР халқ депутатларига наказлари, таклифлари ва илтимосларини амалга ошириш борасида область Советининг чора-тадбирларини муҳокама қилдилар.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

Тиллар тўғрисидаги ушбу Қонун республика территориясида ўзбек тилини давлат тили сифатида расман қўллашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Қонун Ўзбекистон ССР территориясида рус тили СССР халқларининг миллатлараро муомала тили бўлиб хизмат қилишини, шунингдек, бошқа миллий тилларнинг қўлланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССР гражданлари она тилларидан қатъи назар, тенгдирлар. Ўзбекистон халқлари тилларининг тенг ҳуқуқлилиги республикада яшаётган миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлилигининг ажралмас таркибий қисмидир. Давлат барча гражданларга социал-иқтисодий, маданий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини рўёбга чиқаришда ўзбек тили билан бирга рус тилини ва бошқа тилларни ҳам қўллаш имкониятини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда тилларни ишлатишни қонун йўли билан тартибга солиш ўзбек тилини ва бошқа тилларни уйғун ривожлантиришга, республиканинг социал-иқтисодий қудратини ўстиришга, миллий маданиятларнинг тикланиши, ривожланиши ва бир-бирини бойитишига, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, Ўзбекистондаги барча миллат, элатларнинг жипслашувига ва ҳамкорлик қилишига, шунингдек, уларнинг байналминал бирлигини кучайтиришга қаратилган.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбек тилининг ҳуқуқий статуси

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантириш ҳақида давлат ғамхўрлигини амалга оширади, ўзбек тилининг давлат ва жамоат органларида, маданият, фан, халқ таълими, тарбия, соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида қўллашни таъминлайди.

Ўзбек тилининг расмий давлат тили статусига эга бўлиши Ўзбекистон ССРда яшайдиган бошқа миллат гражданларининг ўз она тилини ва миллатлараро муомала тили сифатида рус тилини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларини камситмайди.

2-модда. Тилларни ривожлантириш кафолати

Ўзбекистон ССР республика территориясида қўлланадиган барча тилларнинг ҳурмат қилинишини таъминлайди ва уларнинг эркин ривожланиши учун шароит яратади.

3-модда. Рус тили — миллатлараро муомала воситаси

Ўзбекистон ССРда рус тили миллатлараро муомала воситасидир.

Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар асосан рус тилида ёки ҳар икки томон учун мақбул тилда тузилади.

Ўзбекистон ССР давлат ва жамоат органларининг республика чегарасидан ташқаридаги фаолияти ўзбек ва рус тилларида амалга оширилади.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг тилларни ривожлантириш ва қўллаш тўғрисида қонун чиқариш соҳасидаги ваколати

Ўзбекистон ССР республикада тилларни ривожлантириш ва қўллаш борасидаги ҳар қандай масалани, башарти бу масала СССР Конституциясида, ССР Иттифоқининг бошқа қонун ҳужжатларида СССР тасаррруфига бериб қўйилган бўлмаса, ҳал этиш ҳуқуқига эгадир.

Республика территориясида ўзбек тилининг, рус ва бошқа тилларнинг ўзаро муносабатлари, ҳуқуқий статуси ва қўллаш соҳалари Ўзбекистон ССРнинг ушбу Қонуни билан белгиланади.

5-модда. Қорақалпоғистон АССРнинг тилларни ривожлантириш ва қўллаш тўғрисида қонун чиқариш соҳасидаги ваколати

Қорақалпоғистон АССР автоном республика территориясида тилларни ривожлантириш ва қўллаш борасидаги ҳар қандай масалани, башарти бу масала Ўзбекистон ССР Конституцияси ва ушбу Қонунда Ўзбекистон ССР тасарруфига бериб қўйилган бўлмаса, ҳал этиш ҳуқуқига эгадир.

Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР тасарруфи доирасидан ташқарида автоном республика тилининг ҳуқуқий статусини жорий қилиш, шу жумладан, уни давлат тили деб белгилаш ҳуқуқига эгадир.

6-модда. Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон АССРнинг тилларни ривожлантириш ва қўллаш тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон ССР Конституциясидан, ушбу Қонундан ва шуларга мувофиқ равишда чиқариладиган Ўзбекистон ССР билан Қорақалпоғистон АССРнинг тилларни ривожлантириш ва қўллаш тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларидан иборатдир.

II БОБ. ГРАЖДАННИНГ ТИЛ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ ВА БУ ҲУҚУҚНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

7-модда. Гражданлар таклифлар, аризалар ва шикоятлар билан мурожаат қилганда қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР гражданлари давлат ва жамоат органларига таклифлар, аризалар ҳамда шикоятлар билан давлат тилида ёки ўзлари билган бошқа тилда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

8-модда. Гражданлар хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига мурожаат қилганда қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР гражданлари хизмат кўрсатиш соҳаси (савдо, тиббий ёрдам, транспорт, алоқа, ҳар турли маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш) ходимларига мурожаат қилганда давлат тилини, рус тилини ёки миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда ўзлари билган бошқа тилни қўллашлари мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари давлат тилини ёки рус тилини билмаслик баҳонасида хизмат кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўзбек тилини ҳам, рус тилини ҳам ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган даражада билишлари шарт.

III БОБ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ТИЛ

9-модда. Ўзбекистон ССР давлат органлари ишида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида мажлис ва бошқа кенгашларда қўлланадиган тил қоида тариқасида ўзбек тилидир. Ўзбек тилини билмайдиган шахслар учун рус тилига ёки миллий гуруҳлар тилига таржима қилиш таъминланади. Ҳужжатлар ўзбек тилида, зарурат бўлганда рус тилида ёзилади.

Миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўзбек тили ёки рус тили билан бир қаторда она тилини ҳам қўллашлари мумкин.

10-модда. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган тил

Ўзбекистон ССР Олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари ўзбек тилида қабул қилинади, рус тилига таржима қилинади, республиканинг расмий нашрларида ўзбек тилида эълон қилинади ва рус тилига таржима қилинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳужжатлари миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда ўзбек, рус тилларида ва тегишли миллат тилида қабул қилинади ҳамда эълон этилади.

11-модда. Умумиттифоқ органлари ҳамда хорижий давлатлар билан бўладиган муомалада қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари Умумиттифоқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан бўладиган муносабатларда рус тилини қўллайдилар, бошқа иттифоқдош ва автоном республикаларнинг давлат органлари билан бўладиган муносабатларда ўзбек, рус тилларини ва ҳар икки томон учун мақбул тилни қўллайдилар.

Хорижий давлатлар билан бўладиган муносабатларда халқаро битимлар ва мавжуд тажриба ҳисобга олиниб, ҳар икки томон учун мақбул тил қўлланади.

IV БОБ. МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ИШИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ТИЛ

12-модда. Муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар ишида қўлланадиган тил

Муассаса, корхона ва ташкилотнинг ходимлари билан раҳбари ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди. Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин.

13-модда. Ҳужжатлар тили

Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади.

Миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда ҳужжатлар шу миллий гуруҳ тилида ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда расмий ҳужжатлар давлат тилида ёки рус тилида ҳам берилади.

14-модда. Муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар ишидаги расмий ёзишмалар

Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ёзишмаларда, шунингдек, ўзаро ёзишмаларда республиканинг муассаса, корхона ва ташкилотлари ўзбек тилини, зарур бўлганда эса рус тилини қўллайдилар.

Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотлар республика доирасидан ташқарида жойлашган муассаса, корхона ва ташкилотлар билан ёзишмаларни ўзбек тилида, рус тилида ёки томонлар учун мақбул бўлган бошқа тилда олиб борадилар.

15-модда. Корхона, муассаса, ташкилотлардаги ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари

Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади, республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади.

16-модда. Тил ўрганиш учун шароит яратиш

Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотлар ўз меҳнат коллективларида ўзбек тилини, рус тилини, миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда эса тегишли миллат тилини хизмат вазифаларини бажаришга етарли даражада ўрганиш учун шароит яратиб беришга мажбурдирлар.

Республика гражданларининг СССР халқлари тилларини ва чет тилларни ўрганишга бўлган интилиши қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

V БОБ. ОДИЛ СУДЛОВ, АРБИТРАЖ, НОТАРИАТ, ГРАЖДАНЛИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ТИЛ

17-модда. Одил судлов органлари ишида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССРда судлов ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёхуд муайян жойдаги кўпчилик аҳоли учун мақбул тилда юритилади.

Суд ишида қатнашаётган шахслар судлов ишлари юритилаётган тилни билмасалар, уларга она тилида ариза бериш, кўргазма бериш, судда сўзлаш ва илтимосномани баён этиш, шунингдек, амалдаги қонунда белгиланган тартибда таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади.

Тергов ва суд ҳужжатлари амалдаги қонунда белгиланган тартибда ишда қатнашаётган шахсларга улар билган тилда таржима қилиб топширилади.

18-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш ва расмийлаштириш

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш чоғида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахслар ҳамда ишда қатнашаётган бошқа шахслар она тилини қўллаш ва агар маъмурий иш олиб борилаётган тилни билмасалар, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги протокол ўзбек тилида тузилади. Агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс ўзбек тилини билмаса, унда протокол мазмуни рус тилига ёки жавобгар шахс учун мақбул тилга таржима қилиниши таъминланади.

19-модда. Давлат арбитражи органларининг ишида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР давлат арбитражи органлари муассаса, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини ўзбек тилида ёки рус тилида қараб чиқадилар.

20-модда. Нотариат ишида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларида нотариал иш ўзбек тилида, рус тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳолига мақбул тилда юритилади.

Агар мурожаат этувчи шахс иш юритиладиган тилни билмаса, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни давлат нотариуси томонидан ёки нотариал ҳаракатни бажараётган бошқа мансабдор шахс ёхуд таржимон томонидан унинг она тилига ё бўлмаса рус тилига таржима қилиб берилиши керак.

21-модда. Гражданлик ҳолатидаги ўзгаришларни қайд этиш органларида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР гражданлик ҳолатидаги ўзгаришларни қайд этиш органларида ҳужжатлар давлат тилида ва рус тилида ёзилади.

22-модда. Адвокатлар ҳайъати ишида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССР гражданларига адвокатлар ҳайъати томонидан амалдаги қонунларда кўзда тутилган юридик ёрдам ўзбек тилида ёки рус тилида, миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда эса ўша миллат тилида берилади.

VI БОБ. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ТИЛ

23-модда. Ўқишда тил танлаш эркинлиги

Ўзбекистон ССР гражданларига ўқишда тилни эркин танлаш кафолати берилади.

Бу ҳуқуқ қуйидаги йўллар билан таъминланади: ўзбек тилида, рус тилида ёки муайян жойда ғуж яшайдиган миллий гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқа тилларда таълим берадиган мактабгача тарбия муассасаларининг ҳамда мактабларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилади, ўзбек тилида, рус тилида ёки бошқа тилда доимий ва мувақкат курслар ташкил этилади, зарур бўлганда мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида гражданларга уларнинг она тилида таҳсил бериш учун синфлар, группалар ва тўгараклар очилади.

Мактабгача тарбия ва ўқув муассасаларининг раҳбарлари, ўқитувчилари ва тарбиячилари тегишли муассасадаги таълим бериладиган тилни билишлари шарт.

24-модда. Эски ўзбек ёзуви тўғрисида

Ўзбекистон ССР араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўрганишни истайдиган гражданларга ёрдам беради. Бунинг учун тегишли илмий-педагог кадрлар тайёрланади, тарихий-адабий манбалар ва методик ўқув қўлланмалари нашр этилади.

25-модда. Билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари

Ўзбекистон ССРда гражданларга ўзбек ёки рус тилида, миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда эса ўша миллат тилида ҳам умумий ўрта маълумот олиш ҳуқуқига кафолат берилади.

Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш ўзбек тилида ва рус тилида, тегишли шароитлар мавжуд бўлган жойларда эса бошқа тилларда олиб борилади.

26-модда. Тилларни ўрганишнинг мажбурийлиги

Ўзбекистон ССР гражданларнинг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув программасининг мажбурий фани сифатида ўзбек тилини ўрганишини, шунингдек дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув программасининг мажбурий фани сифатида рус тилини ўрганишини таъминлайди, тегишли тил бўйича битирув имтиҳони топширилади.

Республикада ғуж яшайдиган миллий гуруҳларга умумий таълим мактабларида, курслар ва тўгаракларда она тилини ўрганиш учун шароит яратилади.

27-модда. Илмий ишлар тили

Ўзбекистон ССРда илмий иш тили эркин танланади, илмий даража олиш учун илмий иши ўзбек тилида ёки илмий муассасалар ва илмий кенгашларнинг имкониятларини ҳисобга олиб бошқа исталган тилда тақдим этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда фан тилини тараққий эттириш ва такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техникавий ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш йўлга қўйилади.

28-модда. Ўқув-методик, бадиий ва илмий-техникавий адабиёт, оммавий ахборот воситаларида қўлланадиган тил

Ўзбекистон ССРда ўзбек тилида, шунингдек рус тилида, республикада ғуж яшайдиган миллий гуруҳларнинг тилида ўқув-методик, бадиий ва илмий-техникавий адабиётни нашр этиш, газета ва журналлар чиқариш, фан ва техника ютуқларини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш таъминланади.

Республика телевидениеси кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари асосан ўзбек тилида, шунингдек, рус тилида олиб борилади. Ўзбекистон ССРда ғуж яшайдиган миллий гуруҳлар тилида ҳам телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этилади.

Ўзбекистон ССРда фильмлар ва бошқа томошабоп асарлар ўзбек тилида яратиш таъминланади. Кейин бу асарлар рус тилига ёки бошқа тилларга таржима қилинади.

VII БОБ. БОШҚА МИЛЛАТЛАР ВА МИЛЛИЙ ГУРУҲЛАРНИНГ ТИЛЛАРИ

29-модда. Миллатлар ва миллий гуруҳларнинг тил борасидаги манфаатларини ҳисобга олиш

Тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар, қрим татарлар, уйғурлар, корейслар, турклар, Ўрта Осиё яҳудийлари ва бошқалар ғуж яшайдиган жойларда уларнинг ўз она тилида ўқиш, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари билан муомала қилиш, матбуот чиқариш ва ахборот бериш ҳуқуқи, маданий камолоти, миллий маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқи таъминланади.

VIII БОБ. МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ НОМЛАРИ, ШАХС ИСМЛАРИ

30-модда. Маъмурий-территориал бирликларнинг номлари

Ўзбекистон ССРда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар ва бошқа территориал объектлар, муассасалар, корхона ва ташкилотларнинг номлари ўзбекча ягона миллий шаклда берилиб, кейин рус тилига, зарур бўлганда жойларда ғуж яшайдиган миллий гуруҳлар тилига таржима қилинади.

31-модда. Фамилиялар ва исмлар.

Исмлар, ота исмлари ва фамилияларнинг имлоси тегишли маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исмлари ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда уларнинг асл имлоси сақланиб қолади.

Шахс исмлари, ота исми ва фамилияларни ёзишда ҳамда қўллашда миллатлар ва элатларнинг анъаналарига, тилларнинг ички қонунларига риоя қилинади.

IX БОБ. РАМЗЛАР ВА АХБОРОТ

32-модда. Расмий муҳрлар, штамплар ва бланкаларнинг текстлари

Муассаса, корхона ва ташкилотларнинг расмий муҳрлари, штамплари ва бланкаларининг матнлари ўзбек тилида бўлиши ва рус тилида такрорланиши керак.

Миллий маданий жамиятларнинг расмий муҳрлари, штамплари ва бланкаларининг матнлари улар танлаган тилдан ташқари ўзбек тилида ҳам бўлиши шарт.

33-модда. Кўргазмали ахборот матн(текст)лари

Лавҳалар, эълонлар, рекламалар, прейскурантлар ва бошқа кўргазмали ахборот ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади.

Осма ахборотнинг матнлари қуйидаги тарзда жойлаштирилади: чап томонда ёки юқорида — ўзбек тилидаги матн, ўнг томонда ёки қуйида рус тилидаги матн; улар бир хил катталикдаги ҳарфлар билан ёзилади. Оғзаки ахборот (реклама, эълон ва бошқалар) аввал ўзбек тилида, сўнгра рус тилида эшиттирилади.

Миллий гуруҳлар ғуж яшайдиган жойларда осма ахборот ўша миллат тилида ҳам юритилади.

34-модда. Почта-телеграф хабарлари

Ўзбекистон ССРда почта-телеграф хабарлари ўзбек тилида ёки рус тилида, республикадан ташқарига (халқаро хабарлар бундан мустасно) жўнатилаётганда эса — рус тилида расмийлаштирилади.

35-модда. Товарларнинг ёрлиғи ва тамғаси

Ўзбекистон ССРда ишлаб чиқарилган товарларнинг ёрлиғи, тамғаси, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўзбек тилида ва рус тилида, шунингдек, зарур ҳолларда бошқа бир тилда берилиши керак.

X БОБ. ТИЛЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

36-модда. Тиллар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон ССРда ҳар қандай миллий тилга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Гражданларнинг тил танлаш ҳуқуқини бузиш, тил туфайли гражданларни атайлаб камситиш, шу жумладан, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоатчи ва мустақил иш кўрувчи ташкилотлар, кооператив ва бошқа органларда миллатлар ва элатларнинг тилларидан фойдаланишда ленинча миллий сиёсатнинг конституцион принципларига зид тўсиқлар ва чеклашларни қўйиш ёки имтиёзлар бериш тақиқланади, шунингдек, тиллар тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларини бошқача тарзда бузишга йўл қўйилмайди, акс ҳолда амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Мансабдор шахсларнинг тилни билмасликни рўкач қилиб, таклифлар, аризалар ва шикоятларни олишдан ёхуд уларни моҳияти бўйича кўриб чиқишдан бош тортиши тақиқланади; гражданларнинг таълим-тарбия ва ўқиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

XI БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

37-модда. Ўзбек тили нормасига риоя этиш

Давлат тили расман ишлатиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг амалдаги нормаларига риоя этилади.

38-модда. Ўзбек тили қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларга аниқлик киритиш тартиби

Ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ваколатли ташкилотлар ишлаб чиқади, аниқлик киритади. Булар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлаганидан кейин кучга киради.

39-модда. Қонунни қўллаш

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни босқичма-босқич жорий этилади.

Қонунни жорий этиш босқичлари, уларни таъминлашнинг ташкилий, моддий-техникавий тадбирларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети белгилайди.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент Олий партия мактаби партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида партия комитетларининг идеология ходимлари — Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетлари бўлим мудирларининг ўринбосарлари, сектор мудирлари, идеология бўлимларининг лекторлари, инструкторлари, сиёсий маориф уйларининг консультантлари, шаҳар ва район партия комитетларининг идеология секретарлари, область марказлари шаҳар партия комитетлари идеология бўлимларининг мудирлари, райком ҳуқуқлари берилган партия комитетлари идеология секретарларининг ўринбосарлари ўқув курсини ниҳоясига етказдилар.

Машғулотларда КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида КПСС марксча-ленинча назарияси ва сиёсатининг, сиёсий системани тубдан ислоҳ қилишнинг ҳозирги замон талаблари руҳида партия комитетлари идеология фаолиятини қайта қуришнинг муҳим масалалари ўрганилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ш. З. Камолхўжаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. К. Омонгелдиева, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги О. В. Лебедев, ВАСХНИЛ академиги С. Н. Усмонов, республиканинг бошқа олимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ССР баъзи министрликлари ва идораларининг раҳбарлари идеология ходимлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Демократиялаш ҳамда ошкоралик шароитида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифаларини муҳокама қилишга бағишлаб, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Н. Ё. Ғойибов, ЎзТАГ директори Э. Қ. Хайитбоев, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси М. А. Ғойибов билан «Давра столи» атрофида суҳбат бўлиб ўтди.

Ўқишнинг амалий йўналишини кучайтириш мақсадида машғулотларнинг фаол формалари ва усулларидан кенг фойдаланишга катта эътибор берилди.

Группа, семинар машғулотларида, шунингдек муайян мавзуларга бағишланган машғулотлар ва сиёсий мунозараларда ғоявий-тарбиявий иш услуби, методлари ва шаклларини қайта қуриш, совет кишиларининг тарихга нисбатан онгини шакллантириш, ҳозирги шароитда миллатлараро муносабатларни ва интернационал тарбияни, атеистик ишни ривожлантириш борасидаги муҳим муаммолар ҳамда партия комитетлари идеология фаолиятининг бошқа жиҳатлари кенг муҳокама қилинди. Кўплаб иш тажрибаси баҳам кўрилди.

В. И. Лениннинг баъзи асарларини, унинг социализм барпо этиш тўғрисидаги концепциясини энг яхши билиш юзасидан биринчи марта тингловчилар конкурси ўтказилди.

Қайта қуришни мафкуравий жиҳатдан таъминлашнинг амалий вазифаларини муфассал қайта ишлаб чиқишга бағишланган «Амалий ўйин» тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотди.

Экономика тараққиётини партиявий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш масалалари юзасидан муайян вазиятга доир вазифаларни ҳал этишга бағишланган группавий машғулотлар ўтказилди.

Ленин, Киров ва Собир Раҳимов район партия комитетларида, баъзи бошланғич партия ташкилотларида бўлган сайёр машғулотларда тингловчилар ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни қайта қуришнинг бориши билан, бу иш аҳолининг истиқомат жойларида қандай йўлга қўйилганлиги билан танишдилар.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси лабораториясида мазкур курс тингловчилари учун уларни ахборот технологияси ҳамда ЭҲМни амалда қўлланиш асослари билан таништириш юзасидан группавий машғулотлар уюштирилди.

ЧОРВАЧИЛИГИМИЗНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети ходимлари республика чорвадорларининг шу йилнинг дастлабки беш ойидаги фаолиятига якун ясадилар.

Умумий манзара, бир қарашда, қониқарли кўринади. Чунончи, 146,7 минг тонна гўшт, 407,2 минг тонна сут тайёрланган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ишлаб чиқариш 7,2 минг тонна ва сут ишлаб чиқариш 13,5 минг тонна кўпайганлиги қайд этилди. Товуқлар эса паррандабоқарлар ва истеъмолчиларга «панд» бериб қўйишди. Паррандабоқарлар топшириқни уддалай олишмади ва ўтган йилга нисбатан 2,7 миллион дона кам тухум топширдилар. Ваҳолонки, ўтган йил ёз ойи бошигача 684,7 миллионта тухум етиштирилган эди. Тўғри, ўшанда товуқлар ҳам кўп эди. Ҳозир тухум қиладиган товуқлар сони камайган, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм областлари паррандабоқарлари парваришлаётган товуқлар тухум беришни камайтириб юборди.

Гўшт ишлаб чиқариш умуман кўпаяётган бир пайтда, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё области хўжаликлари уни камайтириб юбордилар. Чорвадорларга бунинг сабаби маълум: моллар тўйимли озуқа билан етарли даражада таъминланмаяпти. Сабаби маълум экан, унда асосий кучларни қаерга йўналтиришни ҳам аниқлаб олиш керак. Лекин афсуски, республикамиз бўйича ярим миллион тоннадан кўпроқ дағал озуқа тайёрланмади. Об-ҳаво шароитлари ноқулай бўлганлиги бунинг холис сабабидир. Бироқ ҳозир аҳволни ўнглаб олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш мумкин.

(ЎзТАГ).

ШОИР ХОТИРАСИ

Тошкентда жамоатчиликнинг румин ва молдаван шоири Михай Эминеску хотирасига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг қарорига биноан М. Эминеску вафот этган куннинг 100 йиллиги бутун йил давомида нишонланади. Шоир қисқа, лекин ёрқин ҳаёт кечирди. У ўз ижодий фаолиятини ўтган асрнинг 60-йилларида буржуазияни фош этувчи, Париж коммунаси кунларида илк бор ҳокимиятни ўз қўлига олишга уринган ишчилар синфи озодлигининг куйчиси сифатида бошлади. Шоир ўз ҳаётининг дастлабки даврларида ҳам, сўнгги йилларида ҳам буржуа жамиятида эксплуатация қилинаётган меҳнаткашлар оммасига ўзининг чуқур ҳамдардлигини билдирган эди.

Йиғилишдан сўнг М. Эминеску шеърлари румин, ўзбек ва рус тилларида янгради.

[ЎзТАГ].

ОСОЙИШТАЛИК ВА ИШОНЧ ТУҒДИРАЙЛИК

Республика пойтахт областида яқин-яқингача устамонлик билан тарқатилган миш-мишлар натижасида кескинлашган вазият изга тушмоқда. Гражданларнинг ҳаёти ва улар осойишталигини милиция органлари, ички қўшинларнинг бўлинмалари ишончли равишда қўриқлаб туришибди. Улар аҳволни тўла назорат қилишмоқда. Турли миллат кишилари кучларини жипслаштирмоқдалар, учрашувлар ва митинглар ўтказмоқдалар, уларда Фарғона областидаги фожиали воқеаларга принципиал баҳо берган республика партия-хўжалик активлари йиғилишининг қарорлари қўллаб-қувватланмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда митинг бўлди. Унга келган юзлаб кишилар ҳис-туйғулар ўрнини ақл-заковат, инсонпарварлик эгаллаши керак, деган якдил фикр билдирдилар. Фарғона областида рўй берган фожиа тўғрисидаги ҳақиқатгина миш-мишларга барҳам бериши, ҳаётни одатдаги тинч йўлга қайтариши мумкин. Хўжалик меҳнаткашлари айбдорларни қаттиқ жазолашни талаб қилишди, осойишталикни таъминлайдиган чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида фикр билдиришди.

Кеча кечқурун В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети маданият саройида университет студентлари ва ўқитувчиларининг СССР халқ депутатлари М. М. Мирқосимов, А. Ғ. Мухторов, Э. Ю. Юсупов, О. Ёқубов билан учрашуви бўлди. Депутатлар съезд иши тўғрисида батафсил гапириб беришди, Ўзбекистондан борган депутатлар кўтарган муаммоларга тўхталишди. Йиғилганлар депутатларнинг бир қанча жиддий социал-иқтисодий муаммолар, уларнинг сайловчилар наказларини бажариш борасида тутган позициялари билан боғлиқ ўткир саволларни бердилар. Миллатлараро муносабатлар муаммосига, оммавий ахборот воситаларининг шу муаммони ёритишдаги аҳамиятига катта эътибор берилди.

Учрашувда Фарғона областидаги фожиали воқеалар қораланди. Студентлар, ўқитувчилар ва депутатларнинг фикри бир бўлиб чиқди. Шундай воқеага йўл қўймаслик учун омма орасидаги мафкуравий ишларни кучайтириш, аҳоли барча қатламларини жамоат тартиби ва осойишталикни таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам бериш учун сафарбар этиш зарур. Қонли воқеаларда айбдор бўлган кишиларни қаттиқ жазолаш, вазиятни беқарорлаштиришга уринаётган, қайта қуришнинг нормал боришига халақит бераётган кишилар йўлига ишончли тўсиқ қўйиш кераклиги таъкидланди. Бундай учрашувларни анъанага айлантириш истаги билдирилди.

Бугун партия ва хўжалик ходимлари, олимлар, ёзувчилар, жамоат арбобларининг катта группалари Тошкент область хўжаликларига жўнаб кетишди. Фожиа оқибатларини аҳолига тушунтириш, миш-мишларга барҳам бериш, одамларда осойишталик ва ишонч уйғотиш уларнинг вазифасига киради.

* * *

«Уйчисельмаш» заводида СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси А. Р. Отажонов сайловчилар билан учрашди.

Учрашув шу корхонада бўлгани бежиз эмас. Сайловолди кампанияси чоғидаёқ сайловчилар ана шу заводнинг ихтисосини ўзгартириб, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган корхонага айлантиришда ёрдам беришни таклиф қилган эдилар. Депутат ўз сўзининг устидан чиқди: корхона марказий идора қарамоғидан республика Маҳаллий саноат министрлиги ихтиёрига ўтказилди. Эндиликда бу ерда чўчқачилик комплекслари учун озуқа тарқатиш қурилмаси ўрнига халқ учун турли истеъмол товарлари тайёрланади.

Учрашувда миллатлараро муносабатлар муаммоларига катта эътибор берилди. Учрашув қатнашчилари Фарғона областида содир бўлган воқеалар хусусида куйиниб гапирдилар. У ердаги ваҳшийликни халқ қоралади. Эндиликда эса ана шундай воқеалар сира қайтарилмаслиги учун ҳамма ишларни қилиш керак.

Завод ишчиси Акром Мирзараҳимов ўз сўзида гуноҳсиз одамларга қўл кўтарган жанжалкашларнинг хатти-ҳаракатларини қоралади.

— Биз месхети турклари билан ҳамиша дўст-иноқ яшадик, — деди у. — Афсуски, жиноятчиларнинг қилмишларини тузатиб бўлмайди. Демак, республика территориясида яшаётган халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилиш керак.

Учрашувда регионни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг муаммолари кўтарилди. Сайловчилар ёшларни иш билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш, болалар боғчаларини қуриш сингари долзарб масалаларни ҳал этишда ёрдам беришни сўрадилар.

А. Р. Отажонов сайловчиларнинг саволларига жавоб берди.

Учрашувда СССР халқ депутати, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

* * *

Андижон давлат тиллар педагогика институтида кўп минг кишилик митинг бўлди. Катта ўқитувчи Н. Чернобровкин, доцент Ф. Сааков, интернационалист жангчилар клуби раиси А. Абдужалилов, студент С. Раҳимова, институт ректори СССР халқ депутати М. И. Умархўжаев ва бошқалар митингда сўзга чиқиб, Фарғона областида содир бўлган зўравонликни қаҳр билан қораладилар. Бу воқеа сира қайтарилмаслиги керак, деб таъкидлашди митинг қатнашчилари. Турли миллатга мансуб кишилар дўст-иноқ яшашлари, ўз ҳаётлари учун хотиржам бўлишлари йўлида иложи борича кўпроқ коллектив куч-ғайрат сарфлаши зарур. Бошбошдоқликда айбдор бўлган кишилар қаттиқ жазоланиши лозим.

Митинг қатнашчилари 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активлари йиғилиши қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар, ушбу йиғилишда Фарғона областидаги воқеалар қаттиқ қораланган, вазиятни барқарорлаштириш учун биринчи галдаги вазифалар белгилаб берилган.

* * *

Ўзбекистондаги бошқа бир қанча коллективларда ҳам митинглар, учрашувлар, йиғилишлар бўлди, уларда республика партия-хўжалик активлари йиғилишида қабул қилинган қарорлар қўллаб-қувватланди.

(ЎзТАГ).

ВАЗИЯТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Жойлардан келаётган хабарларга қараганда, Фарғонада ва республикамизнинг бошқа областларида вазият яхшиланмоқда. Фарғона областида 17 июнга ўтар кечаси бирорта ҳам нохуш воқеа рўй бермаганлиги кейинги икки ҳафта ичида илк бор қайд этилди. Саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар иши йўлга қўйилмоқда. Месхети туркларини РСФСРга кўчириш давом этмоқда. Бугунги кунгача улардан 13.981 киши кўчирилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, жами 98 киши Фарғона областидаги бебошликлар қурбони бўлди, 1020 киши оғир жароҳатланди, 1054 объект ва бинога ўт қўйилиб, улар талон-торож қилинди, шу жумладан 752 та уй-жой шикастланди. Жамоат тартибини бузган 452 киши қўлга олинди, 35 та жиноий иш қўзғатилди.

Республиканинг бошқа областларида ҳеч қандай оммавий тартибсизлик бўлмади.

Партия ва совет органлари вакиллари республикадаги аҳволни барқарорлаштириш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. (ЎзТАГ).

• 18 июнь — Медицина ходимлари куни

ШИФОКОРЛАР ЛАЁҚАТЛИ БЎЛСИН

Бу йилги Медицина ходимлари куни байрами ССР халқ депутатлари съезди ҳужжатлари ва қарорлари кенг ўрганилаётган бир паллада нишонланмоқда.

Ҳар кишининг соғлом яшаши, узоқ умр кўриши, республикамизда турли касалликларнинг олдини олиш, ҳар бир оиланинг соғлом турмуш тарзига эга бўлишини таъминлаш каби муаммоларни ҳал этиш бевосита медицина муассасаларида ишлаётган мутахассис кадрларга боғлиқдир. Бунинг учун бўлажак шифокорларни юксак малакали қилиб тайёрлаш, вақти-вақти билан махсус курсларга таклиф этиб туриш зарур.

Яқинда Тошкентда умумиттифоқ миқёсида илк бор медицина ходимларини аттестациядан ўтказиш ва бу соҳада тажриба алмашишга бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Соғлиқни сақлаш министрликларининг мутасадди ходимлари, аттестация комиссияси аъзолари иштирок этдилар. Мазкур семинар-кенгашнинг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдаги аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри ўринбосари Шаҳоб Шамсиевич ҲАМРОЕВ шуларни гапириб берди.

— Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни медицинада ҳам категорияли мутахассис кадрлар бўлишини тақозо этади. Ҳозир министрлигимиз ихтиёридаги республика медицина муассасаларида 65900 га яқин олий маълумотли врач ишлаётган бўлса, шулардан 16 проценти категорияли бўлиб, 4 фоизигина олий категорияга эга. Шифокорлар ҳар беш йилда аттестациядан ўтказилади. Бунинг учун у охирги уч йиллик ҳисоботи билан малака ошириш курсидан ўтган бўлиши шарт. Аттестация комиссияси уларнинг билимига қараб олий, биринчи ёки иккинчи категорияга лойиқ эканлигини белгилайди. Мабодо аттестат саволларга жавоб бера олмаса, унда аввалги даражасидан ҳам маҳрум этилади. Кейинги пайтда категорияларга қараб врачларга 15, 30, 50, жарроҳ, акушер-гинеколог ва анестезиологларга 30, 50, 75 сўмдан қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилган.

Бироқ врачларнинг малака ошириши ва категорияга эга бўлишларида бир қанча камчиликлар мавжуд. Аввало шуни айтиш керакки, аттестация тўғрисидаги тартиблар эскириб кетган. Айрим медицина муассасалари раҳбарларининг айби билан кўпгина шифокорлар ўзлари муносиб бўлган категорияларини вақтида ололмаяптилар. Бўлиб ўтган анжуманда аттестация ўтказиш учун врачларнинг малака ошириш курсларидан ўз вақтида ўтишларини таъминлашни бевосита министрлик томонидан бошқариш белгиланди.

— Малакали шифокорлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Лекин кейинги пайтларда редакцияларга муқаддас касбига доғ тушираётганлар ҳақида кўплаб хатлар келаётгани ташвиш уйғотади. Аттестацияда масаланинг шу томонига ҳам эътибор бериляптими?

— Инсон тақдири, халқ соғлиғи муҳофазаси ишониб топширилганлар орасида вазифасига совуққонлик билан қарайдиган, беморларга қўпол муомалада бўлиб, уларни ранжитадиган, таъмагир ходимлар ҳам борлиги ташвишланарли ҳол, албатта. Министрлик шифокорнинг хулқ-атворига хилоф иш тутувчиларга нисбатан муросасиз бўлиш, шарафли бурчига хиёнат қилувчиларни ўз лавозимидан паст ишга ўтказиш, қолаверса даволаш касбидан маҳрум этиш тарафдори.

Шифокор фидойи, олижаноб, меҳр-шафқатли бўлиши, ҳар бир беморни ўз яқинидек кўриши керак. У ҳар қандай вазиятда ҳам зарур тиббий ёрдам кўрсатиши, бемор кўнглини кўтариб яхши кайфият билан унинг яқинларига ҳам таскин бера оладиган бўлиши керак.

— Шаҳоб Шамсиевич, медицина олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёш кадрлар савияси талаблар даражасида эмаслиги тўғрисида ҳам кўп гаплар бўляпти...

— Турғунлик йиллари асорати айниқса бизнинг соҳада яққол сезиляпти. Институтда 5-6 йил ўқиб, интернатура, ординатураларда бўлишига қарамай, айрим ёшларимизнинг билим савияси юксак эмаслигини инкор эта олмаймиз. Бунинг асосий сабабларидан бири мактаб ўқувчиларининг турли қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилишидир. Оқибатда институтларимизга область учун берилган ўринга билими саёз ўқувчилар ҳам кириб қолишяпти. Шунинг эвазига республикамиздаги мавжуд тўртта медицина олий ўқув юртидан кейинги уч йил ичида 2583 та талаба студентликдан маҳрум этилганлиги ачинарли ҳол, албатта.

Яна бир муаммо. Медицина ўқув юртларида дарслар фақат битта тилда, ҳамда кўпроқ назарий жиҳатдан олиб борилар эди. Шунинг учун янги программалар тузилиб, амалий машғулотлар ўтиш йўлга қўйилмоқда. Бундан ташқари, медицина олий ўқув юртида ўқиётганлар эндиликда иккинчи курсда давлат имтиҳони топширадилар. Ундан ўта олмаганлар ўрта медицина ўқув юртига ўтказилади. 5-курсда давлат имтиҳони қониқарсиз баҳоланса, талаба врачга ёрдамчи ёки фельдшер дипломи билан ишга юборилади. Шу ўқув йилидан машғулотлар икки тилда олиб борилмоқда.

— Кўплаб қишлоқ аҳли оддий касалликлардан даволаниш учун ҳам марказга келиш истагини билдиради. Бу ҳол қишлоқ жойларида малакали шифокорлар етишмаётганлигидан эмасми?

— Тўғри, бугунги кунда қишлоқ жойларида 3 мингта, умуман республикамиз бўйича 14 минг врач етишмайди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил республикамиздаги медицина олий ўқув юртларига бўладиган қабул бир ярим баробарга оширилди. Лекин ҳар йили мингдан ортиқ ёш кадрлар қишлоқларга юборилади. Афсуски, улар борган жойларида муқим ишлаб қололмайдилар. Бунинг объектив сабаблари ҳам бор. Чунончи Самарқанд давлат медицина институтини битириб, акушер-гинеколог ва суд-мед эксперт ихтисослиги бўйича Қашқадарё областига иккита боласи билан келган эр-хотин шифокор Раҳмоновларни уй-жой билан таъминланмаганлиги туфайли бошқа областга ишга ўтказишга тўғри келди. Ўтган йили СамПИни битирган сирдарёлик С. Мамаев, ТошМИни тугатган қашқадарёлик Ш. Нажмиддинов бошқа областга ишга юборилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозир республика бўйича 2 мингга яқин оилали врачлар турар жойга эга эмас. Шулардан 400 нафари ёш кадрлардир. Кези келганда шундай тажрибани ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Фарғона область, Бувайда район партия комитетининг ташаббуси билан шифокорлар учун район касалхонаси ёнида янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Касалхонага кираверишда эса 100 ўринли ошхона, новвойхона, сабзавот ва мева дўкони, саноат моллари магазини, ҳатто сартарошхонагача бор.

Кадрлар ҳақида гап борганда, уларнинг ишлаш шароити тўғрисида ҳам тўхталиш керак. Қишлоқ жойларидаги медицина муассасаларининг фақат 10 фоизигина замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Шифохоналарнинг кўплари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу ерда дори-дармонлар танқислиги ҳам сезилмоқда. Мавжуд аҳволни яхшилаш учун министрлик бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Суҳбатни Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги республика Саломатлик марказининг матбуот группаси ходими А. ЭРГАШЕВ олиб борди.



БИР УМР МИННАТДОРМАН

«— Мен бир неча йилдан бери ўт қопимдаги тошдан азият чекиб юрардим. Шу боисдан ҳам бир неча бор шифохоналарда даволандим. Ниҳоят яқинда пойтахтимиздаги 2-клиник касалхонасида яна даволандим. Мени профессор Рауф Йўлдошевич Омиров бошчилигидаги шифокорлар операция қилдилар. Мен улардан бир умр миннатдорман, — деб ёзади пенсионер Т. Анорбоев.

Профессор Р. Омиров номига бундай миннатдорчилик хатлари кўплаб келаётганлигининг боиси бор. Чунки у республикамизда лазер аппарати ёрдамида операция қилиш ташаббускорларидан бири.

Сиз профессор Р. Омировни лазер аппаратини операцияга шайлаётган пайтда кўриб турибсиз.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

16 июнь куни Тошкентда Медицина ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов доклад қилди.

Йиғилишда республика медицина ходимлари олдида инсон соғлиғини сақлаш соҳасини такомиллаштириш борасида кўпгина муҳим ва долзарб вазифалар турганлиги қайд этилди. Маслаҳат-диагностика хизматини тубдан яхшилаш, янги дори-дармонларни амалда кенгроқ жорий этиш керак. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кўпроқ ривожлантириш, мазкур соҳанинг, айниқса қишлоқ жойлардаги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Малакали медицина кадрларини тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

[ЎзТАГ].

Оролни сақлаб қолиш ишларининг бориши — „Совет Ўзбекистони" оталиғида

СЕН ЎЛМАГАЙСАН, ОРОЛИМ!

Уммон нажоти

Орол денгизидаги экологик вазият Қорақалпоғистон эли билан бирга бутун Ўрта Осиё халқларини ташвишлантириб қўйди. Партия ва ҳукуматимиз сўнгги йилларда халқнинг ҳақли эътирозга қулоқ тутди: Орол денгизи, унинг теварак атрофидаги табиат мувозанатига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, экологик аҳволни яхшилаш мақсадида қатор шошилинч чора-тадбирлар белгилади.

Ёдингизда бўлса керак, уч йил муқаддам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Қорақалпоғистон АССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унда шу мақсад учун илгари ажратилган маблағларни уч миллиард сўмгача ёки бир ярим баробар кўпайтириш, янги корхоналар қуриш ҳамда кўплаб завод ва фабрикаларни реконструкциялаш, уй-жой, социал, маданий-маиший объектлар барпо этиш ҳажмини бир ярим баравар ошириш белгиланган эди. Қарорда кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида қатор ишлар қилинди. Бироқ бу борада республикадаги айрим министрлик ҳамда ташкилотлар етарли ташкилотчилик, ташаббус кўрсатишмади. Ўзибўларчилик туфайли олтмиш миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади. Талай уй-жойлар, маиший бинолар, социал объектлар қуриб битказилмади.

Орол денгизи ҳавзаси сув, ер ресурсларидан фойдаланишда, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда шаҳарлар, бошқа турар-жой мавзеларида канализация, оқинди сувни тозалаш иншоотлари барпо этишда нуқсонларга йўл қўйилди. Суғориш тармоқлари, коллектор-зовурлар сифатсиз қурилди. Оқибатда Оролбўйи районларида ноқулай экология, санитария-эпидемиология ҳолати юзага келди. Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида обиҳаёт сифати ўта ёмонлашиб, аҳолини чучук сув билан таъминлаш муаммога айланди. Денгиз территориясида иқлим ўзгармоқда, ҳалок бўлаётган уммонда кемалар қатнамаяпти, балиқлар қирилиб кетди. Ҳатто соҳилларга қушлар келмай қўйди.

Партия ва ҳукуматимиз яна Орол масаласини жиддий ўрганди. Ўтган йили сентябрда «Орол денгизи районида экология ва санитария вазиятини тубдан яхшилаш, Орол ҳавзасида сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни муҳофаза қилишни кучайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унда мазкур зонада аҳолининг ичимлик сувга ташналигини қондириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, суғорма ерлар шўрини йўқотиш, оқаваларни махсус коллекторлар орқали Оролга ташлаш, Амударё сувини қуриган кўлларга оқизиш орқали атроф-муҳитни нормал изга солиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Бу ишларни бажариш учун 35 миллиард сўм ажратилган. Демак, мисли кўрилмаган даражадаги ҳажмда бинокорлик ишлари адо этилади. Шу мақсадда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги қарамоғида «Аралводстрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмаси тузилди.

— Бирлашма ихтиёридаги бир неча қурилиш тресги, кўплаб механизациялашган кўчма колонналарда 20 мингдан зиёд қурувчи меҳнат қиляпти, — дейди бирлашма бошлиғи Малек Сарсенов. — Яқин вақт ичида улар сони 50 минг нафарга етади. Асосий вазифамиз — тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларининг ифлосланишига, исроф қилинишига чек қўйиш ва аҳолининг ичимлик сувга эҳтиёжини қондиришдан иборат. Бирлашма бу йил 200 миллион сўмлик, келаси йили 370 миллион сўмлик, 3-4 йилдан сўнг ярим миллиард сўмликдан зиёд бинокорлик ишларини бажаради.

Бирлашма Орол денгизи ва унинг атрофида экология мувозанатини тиклаш йўлидаги ҳаракатларда асосий куч ҳисобланади.

Ернинг шўри — элнинг шўри

— Сўнгги 20—30 йилда Амунинг қуйи оқимидаги ҳар литр сувда туз миқдори 6-7 марта кўпайди, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси, академик Собир Камолов. — Баъзи ерларда у ҳатто 2-2,8 грамм, Сирдарёда эса 3 граммни ташкил этмоқда. Оқибатда мазкур дарёларнинг суви экин майдонларини шўрлантирувчи асосий манбага айланмоқда. Бундан ташқари денгизнинг қуриган қисмидан учиб келаётган тузлар ҳам тупроқнинг шўрланиш даражасини оширмоқда. Бундай ҳолда 10—15 йилдан сўнг фақат Орол бўйигина эмас, балки бутун Ўрта Осиёдаги суғориладиган экин майдонлари ишдан чиқиши мумкин.

Автоном республикада коллектор-зовур тармоқлар кўп. Аммо уларнинг кўпи эгасиз. Аксарият коллекторларнинг оқоваси тиндирилмасдан дарё ва кўлларга ташланмоқда. Экин майдонлари шўрини кетказиш мақсадида Амударёнинг ўнг соҳилида минг километрдан зиёд узунликда ноёб иншоот — магистраль коллектор қурилишига киришилди. У Сурхондарё областидан бошланиб, Қашқадарё, Бухоро Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон территориясидаги далаларнинг ташламаларини тўплаб Оролга қуяди.

Магистраль коллектор қурилишнинг юқори қисмида «Туямуйингидрострой» қуйи қисмида эса «Аралводстрой» коллективлари меҳнат қилишмоқда. Яқин 5—6 йил ичида автоном республикада барча зовур сувлари магистраль коллектор орқали Оролга ташланади. Бу билан Амударёга ҳозиргидек органик ўғитлар, ҳар турдаги чиқиндилар билан «тўйинган» оқаваларнинг туширилишига чек қўйилади.

Машанкўлнинг суви чучук, Судачье эса шўр кўл. Чучук сувни шўр кўлга қуйиб, уни ҳам истеъмолга яроқли ҳолатга келтириш мақсадида 30 километрлик коллектор қуриш келаси йили битказилиши керак эди. Тупроқ қазишда портлатиш усулидан фойдаланиляпти. Шу, сабабли бу ишни муддатидан илгари — шу йилиёқ тугаллаш имкони яратилди. Қўнғирот районидаги ерларнинг шўрини қуритиш учун камида икки йил зовур қазиш лозим эди. Портлатиш йўли билан бир ярим ой ичида қатор совхозлардаги экин майдонларининг шўрланган ер ости сувлари қуритилди.

Қорақалпоғистонда сув иншоотларидаги обиҳаётнинг қарийб тенг ярми буғланиб, ерга сингиб кетаяпти. Хўжаликларда тўрт мингдан зиёд насос қурилмаларидан фойдаланилади. Лекин уларнинг аксарияти сувни тежайдиган асбоб-ускуналар билан таъминланмаган. Натижада кўпинча, ҳуда-беҳуда сув оқишидан обиҳаёт исроф бўляпти, ерлар ортиқча шўрланяпти. «Аралводстрой» сув ресурсларини иқтисод қилиш имконини берувчи қатор тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётир. Жумладан, 160 километр масофада лоток-ариқлар қуриляпти. Канал қирғоқларига бетон қопланмоқда. Фақат шуларнинг ўзи сув исрофгарчилигининг 30 процентига чек қўяди.

Сув нондайин азиз

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ўлкадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области аҳолисининг 63 проценти обиҳаётга ёлчимаяпти. Юз минглаб кишилар очиқ ҳавзалар ва ташиб келтириладиган сувдан фойдаланишмоқда. Сувнинг таркиби давлат стандартига мос келмайди. Бу муаммо атрофида кўпдан бери гап боряпти. Кейинги уч-тўрт йилда 170 миллион сўм маблағ сарфланиб, тўрт юз километрдан зиёд сув қувурлари барпо этилди. Аммо Автоном республика аҳолиси чанқоғини қондириш учун шаҳар ва районларда салкам 800 километр, шаҳарга бўйсунувчи посёлкаларда 268 километр, қишлоқ жойларда ўн икки минг километр водопровод тармоқлари қурилиши лозим.

«Аралсельхозводопроводстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси Туямўйин сув омборидан Нукус ва Тахтакўпирга ичимлик сув олиб келиш бўйича кўламли иш бажаряпти. Шу йилнинг ноябрь байрамига қадар Туямўйин суви нукусликлар хонадонига кириб келади. Келаси йили бу борадаги юмушлар кўлами янада кенгаяди. Ўн учинчи беш йилликда эса қарийб ярим миллиард сўм харж қилинади. Қорақалпоғистон совхозларида юзга яқин сувни чучуклаштиргич қурилма барпо этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Орол бўйича депутатлик группасининг март ойида ўтказилган йиғилишида республика Уй-жой коммунал хўжалик министрлиги ва Автоном республика Министрлар Совети танқид қилинди. Улар Туямўйин—Нукус сув қувури бош иншоотида хизмат қиладиган ходимларни уй-жой, маиший шароитлар билан таъминлаш, кадрларни ўқитиш-тайёрлаш юзасидан ғамхўрлик кўрсатмаяптилар. Туямўйин—Нукус сув қувурининг бир маромда ишлаб кетишига ҳозирдан замин тайёрлаш керак.

Орол ҳавзасидан камсувлик оқибатида Мўйноқ кўрфази қуриди. Унинг тубидан осмону фалакка кўтарилаётган туз ва чанг балосидан Мўйноқ районида экологик фалокат содир бўлди. Аҳоли чучук сув йўқлигидан, туз шамолларидан турли касалликлар авж олганидан азият чекмоқда. Мўйноқдаги вазиятни мўътадиллаш учун Междуреченск сув омборини реконструкциялаш, жомидаги сув хажмини ҳозирги 120—150 миллион кубометрдан 800 кубометрга етказиш керак. Амударёдан «Главмясо» канали орқали Междуреченскка, сўнг Мўйноқ билан Рибачье кўрфазларига обиҳаёт қуйиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Оролга илгариги кўрфазлар орқали сув оқиши таъминланади. Энг муҳими кўрфазлар атрофида истиқомат қилувчи аҳоли ниҳоят ичимлик сувга ёлчийди. Кўрфазларда муттасил бир хил ҳажмда сув бўлишига эришиш учун тўғонлар қуриш лойиҳаси ишланмоқда.

Туямўйиндан сув олиб келиш билан боғлиқ яна бир масала бор. Туямўйинда Капарас сув омбори қурилиши ҳақидаги масалани тезроқ ҳал этиш керак. Агар бу иш илгари тузилган планларга мувофиқ 1995 йилгача чўзилса, унга қадар аҳоли барибир тоза сув билан таъминланмайди. Чунки, ҳозир Туямўйин омборининг сувида минераллар миқдори нормадан ортиқча.

Халқни тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича ажратилган маблағларнинг расамади билан сарфланиши қорақалпоқ халқининг нондай азиз ва мўътабар обиҳаётга ташналигини қондириши шубҳасиз.

Режалар хайрли ва умидбахш. Амалда унинг тез ва соз бажарилишига кафолат борми?

— Хавотирингиз ўринли, — деди М. Сарсенов. — ишимизни янада жадаллаштиришга баъзи муаммолар, масалан, материал таъминотидаги камчиликлар халал беряпти. Шуни ҳисобга олиб, ўзимизнинг бинокорлик материаллари саноатимизни ривожлантиряпмиз. Султонуездоғ ва Белтов конлари базасида қурилиш хом ашёси, Чимбойда экскаватор ремонти, полиэтилен қувурлар заводлари қуриш кўзда тутилмоқда. Бу йил Тахиатошда ёғочни қайта ишлаш заводи ишга тушади. Қўнғирот, Тўрткўл, Қораўзакдаги корхоналар қуввати бир неча маротаба оширилади. Албатта ҳар қандай мақсад йўлида тўсиқлар, қийинчиликлар бўлади. Аммо биз денгизни ҳалокатдан сақлаш учун куч ва имкониятимизни аямаймиз. Шу заминда туғилиб ўсган ҳар бир юртдошимиз бу муқаддас ишдан ўзини четга олмайди.

Сўнгги ўн йилликларда етказилган озордан уммон ўз қирғоқларини ташлаб, кичрая бошлади, ҳалокат ёқасига келиб қолди. Биз эса табиат фарзандлари эканлигимизни унутдик. Яхшики, кеч бўлса ҳам, хатоимизни англаб етдик. Жабрланган денгиз жонига оро кириш учун улуғ ишларга бел боғладик. Аммо ҳар доим ҳам хатоликларни тугатиш оғир ва машаққатли бўлган. У кўп йиллар сабот-матонат билан меҳнат қилишни тақозо этади.

Ўзбек халқи ҳашар — бир-бирига мададкорлик билан қисқа фурсатда Катта Фарғона каналидек дарёи-азимни дунёга келтирган. Демак, ҳозирги кунга келиб, Орол денгизи кишиларнинг меҳру-шафқатига зор экан, бу улкан қурилиш ҳам умумхалқ ҳашарига айланиб кетса ажаб эмас.

Аммо, Орол тақдири бўйича қабул қилинган тадбирлар ҳозирда республикада олиб борилаётган ишларнинг ўзи билангина денгизни асраш қийин. Ҳалокат илдизларини пайини қирқишимиз керак. Бунинг учун СССР халқ депутатлари съездида ўзбекистонлик депутатлар жуда тўғри таъкидлашганидек, пахта майдонларини тез ва кескин камайтириш, суғориладиган ерларда экинзорларни кенгайтирганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида қонун ишлаб чиқиш, обиҳаётдан фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш лозим. Шошилинч чоралар кўрилмаса вақт бой берилиши, Оролнинг ҳалокати эса умуминсоний фожиага сабаб бўлиши мумкин.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Ҳайратондан келган меҳмонлар

Афғонистоннинг Ҳайратон шаҳридан келган делегация тўрт кун мобайнида Термиз шаҳрида бўлди. Делегация составида Афғонистон демократик ёшлар иттифоқи аъзолари ҳамда маориф бўлими ходимлари бор.

Меҳмонлар мактабларда, мактабгача тарбия болалар муассасаларида, «Огонёк» пионер лагерида бўлдилар. Улар ёш авлодга таълим бериш ва уларни тарбиялаш борасидаги иш тажрибаси билан танишдилар.

Шаҳар комсомол комитетида суҳбатлар бўлди. Афғон дўстларга оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан битимга эришилди. Ана шу йўналишда ҳозирдаёқ дастлабки қадам қўйилди. Термиз шаҳар комсомол комитети ҳузуридаги комсомол маркази Ҳайратон маориф бўлими учун мебель сотиб олишга маблағ ажратди.

(ЎзТАГ).

УМУМИЙ ИШИМИЗ ДЕБ

16 июнь куни Тошкентда СССР илмий ва инженерлик жамиятлари союзи Ўзбекистон республика правлениесининг кенгайтирилган пленуми бўлди. Правление, тармоқ жамиятлари, республика илмий ва инженерлик жамоатчилигининг КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган ва Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишга қаратилган вазифалари муҳокама қилинди. [ЎзТАГ].

• Амалдаги интернационализм

МАНФААТДОРЛИК АСОСИДА

Яқинда Бухорога Бурятия Автоном республикаси вакиллари ташриф буюришди. Улар Бухоро области меҳнаткашлари вакиллари билан ўзаро социал ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун бу ерга келишди.

Бу ҳамкорлик яқинда Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда таъкид этилганидек, корхона ва хўжаликларга маҳсулот тайёрлаш ва етказиб бериш, хизмат кўрсатиш бўйича бевосита шартнома тузиш юзасидан берилган ҳуқуқлар асосида амалга оширилади.

Бухоро области колхоз ва совхозлари автоном республика меҳнат коллективларига сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштириб бериш бўйича ўз шартларини бурят дўстларига баён қилишди. Бурятия АССР вакиллари эса республика ўрмон хўжаликларида бухороликлар учун ёғоч-тахта материаллари тайёрлаб бериш бўйича ўз имкониятларидан уларни хабардор қилишди. Ҳар иккала томон кенг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ўзаро ҳамкорликда йўлга қўйиш бўйича режалари билан ўртоқлашишди.

Пировардида Бурятия Автоном республикаси ва Бухоро области меҳнаткашларининг қардошлик шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шартномани КПСС Бурятия обкомининг секретари В. С. Тимашов ва автоном республика Министрлар Советининг раиси С. Н. Булдаев, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров ва область ижроия комитетининг раиси Ш. Қ. Гатауллин имзоладилар.

Шунингдек, Свердловск область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Б. Воздвиженский ва «Уралчермет» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. И. Федоров ҳам Бухорода бўлиб, икки область ўртасида социал, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятларини ўрганишди.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Йўловчилар мамнун

«Каракалпактранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси йўловчиларга транспорт хизматини яхшилаш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Чунончи, янги маршрутларни йўлга қўйиш кўпчиликка маъқул келмоқда. Шаҳар ва районларда, колхоз ва совхозларда, қишлоқ ва посёлкаларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Янги бадиий коллективлар

МАҚОМ — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ

Халқ ижодиётининг намуналари маънавий ҳаётнинг чинакам бойлиги бўлиб келган. Кўҳна Хоразмнинг ўзига хос мақом санъати тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Дастлаб халқ оғзида, фозил мақомдонлар тилида садолгниб юрган бу санъат бора-бора сайқал топиб, ўзининг ҳақиқий ижрочиларига эга бўлди. Хоразмлик Матюсуф Харратов, Матпано ота Худойберганов, Шерозий — Мадраҳим Ёқубов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев сингари санъат усталарининг хизматлари туфайли Хоразм мақоми ҳақиқий санъат даражасига кўтарилди. Халқнинг маънавий хазинасига айланди. Бироқ бу санъаткорлардан кейин Хоразм мақомлари билан қизиқиш, уларни ривожлантириш анча сусайди.

Мақомнинг тўлиқ айтиш йўлларини ижро этувчи алоҳида ансамбль ташкил этилмади. Натижада халқ ижрочилик анъаналари йўлидаги санъат эътиборсиз қолди.

1988 йилнинг март ойида Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ташаббуси билан Хоразм телевидение ва радиоси қошида иқтидорли санъаткорлардан йигирма кишини ўзида бирлаштирган ансамбль ташкил этилди. Бадиий коллективга областдаги «Сарапаён гуллари» халқ ансамблини бошқарган Бозорбой Ўрунов бадиий раҳбар, Тошкент Давлат консерваториясининг шарқ факультетида таълим олган Йўлдош Тожиев музика раҳбари этиб тайинланди. Ансамблга конкурс орқали турли бадиий коллективлардан келган хонанда ва созандалар жалб этилди.

Ансамблнинг олдига қўйган мақсади — халқ тилида тарқоқ шаклда қолган мақомни тўплаб, ашула ва чолғу йўлларини тўлдириб, сайқал бериб, уни халққа тақдим этиш, келажак авлодга қимматли мерос қилиб қолдиришдан иборат.

Ансамбл ташкил топганига бир йилдан сал ошган бўлса-да, шу қисқа фурсат ичида «Рост»да ва «Бузрук» мақом йўллари тўла ўрганилиб ижро этилмоқда. Ансамблдаги иқтидорли ёшлар истеъдоди қувонтиради. Гулбаҳор Жумабоева, Муҳаббат Авезова, Саидназар Ўрунов каби хонандалар келажакда мақомнинг етук ижрочилари бўлиб етишадилар, деган умид туғдиради.

Хоразм мақом ансамбли областда танилиб қолди. Коллектив бу ерда ўтказилаётган маданий тадбирларда, учрашувларда иштирок этмоқда. Хоразм телевидениеси орқали классик шоирларнинг ижодига бағишланган эшиттиришларда, мақом кечаларида чиқиб турибди. Коллектив яқинда Тошкентга, Ўзбекистон радиосининг овоз ёзиб олиш бўлимига келиб, «Бузрук» ва «Рост» мақомини магнит лентасига туширди. Унинг ижросига Ғанижон Тошматов, Орифхон Ҳотамов каби мақом билимдонлари яхши баҳо бердилар. Шунингдек, улар бу коллективнинг келажакдаги ишларини муваффақият билан амалга оширишлари учун зарур, фойдали маслаҳатлар бердилар.

Мақом ансамбли халқнинг дурдона меросини тўплаб, уни ривожлантириш билан бирга Хоразм мақомининг халққа яқин шаклини ноталаштириб бормоқда. Бу ишда коллектив атоқли мақомшунос Матниёз Юсуповнинг тажрибаларидан фойдаланмоқда, машҳур ҳофиз Ҳожихон Болтаевнинг шогирди Рўзимат Жуманиёзов кўмагига таянмоқда.

Хоразм мақом ансамбли ижодий жиҳатдан ўсиб, юксалиб, янги-янги овозлар билан бойиб, етук профессионал коллективга айланиши керак. Бу ишда область партия ташкилоти, маданият бошқармаси, шаҳар ижроия комитети яқиндан ёрдам беришлари, ансамблнинг равнақи учун зарур бўлган моддий техника базасини яратишда ғамхўрлик қилишлари лозим. Зеро, халқнинг маданий хазинасини тўплаш, уни бойитиш барча зиёлилар олдида турган шарафли вазифалардан биридир.

М. МУҲАМЕДОВА.

САНЪАТ ОЛАМИДА

АВЛОДДАН — АВЛОДГА

ТОШКЕНТ. Ўрта Осиё территориясида қарийб икки минг йилдан аввал турли хил нодир музика асбоблари мавжуд бўлган эди. Кўҳна санъат обидалари, ёзма манбалар, археология топилмалари булар тўғрисида чинакам шоҳидлик бериб турибди. Булардан карнай, чанг, дутор, най, рубоб ва бошқа музика асбоблари бизнинг давргача тўлалигича етиб келди. Уларнинг оҳанграбо куй ва овозлари ҳамон халқимиз қалбини завқ-шавқларга чулғаб келмоқда.

Ажойиб миллий музика асбобларининг авлодлардан-авлодларга етиб келишида халқ созандалари ва бастакорлари, музика жавоҳири бошқа кўпдан-кўп заҳматкашларининг хизматлари беқиёс катта. Ана шулар орасида хассос созанда Хирожиддин Муҳиддинов алоҳида ҳурматга сазовордир. Бундан деярли қирқ йил муқаддам санъат оламига келиб қўшилган Х. Муҳиддинов дастлабки қадамлариданоқ катта ишга жиддий қўл урди. Оддий шогирдликдан етук музика асбоблари ижодкорига айланди. Ўз ишининг билимдони сифатида юзга яқин музика асбобларини қайтадан ишлаб чиқди. Йўқолиб кетган баъзи музика асбобларини янгидан ижод этди. Ҳозирги кунда у яратган асбоблардан чолғучилар муваффақиятли фойдаланиб келмоқдалар.

Х. Муҳиддинов ҳозирги кунда айни кучга тўлган ҳолда баракали ижод этмоқда. У ўзининг ёрқин ва бой талантини санъатсевар шогирдларига, ёш созандаларга қунт билан ўргатмоқда.

Суратда: Устоз санъаткор мактабининг давомчилари — (чапдан ўнгга) Фахриддин, Ҳасан, Тоҳир, Бахтиёр, Жалолиддин Муҳиддиновлар ва шу оиланинг табаррук устози ва отахони (ўртада) Хирожиддин Муҳиддинов.

А. ГОРОКРИК ва Р. ШАГАЕВ сурати. (ЎзТАГ)

Дейл ҚАРНЕГИ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДЎСТ ОРТТИРИШ МУМКИН?

САВОЛЛАР БЕРИНГ

Кунларнинг бирида мен Америка биографларининг энг кексаси Идой Тарбелл билан тушлик қилиш шарафига муяссар бўлдим. Мен унга ушбу китобни ёзаётганимни айтдим-у, биз одамлар билан муомалада ўзни қандай тутиш кераклиги хусусидаги асосий масалани муҳокама қила бошладик. Шунда у менга Оуэн Д. Юнг таржимаи ҳолини ёзаётганида Юнг идорасида уч йил ишлаган одам билан суҳбатлашганини ҳикоя қилиб берди. У ана шу давр мобайнида Оуэн Д. Юнг бирон одам билан буйруқ оҳангида гаплашмаганини айтибди. Юнг доим маслаҳат бераркан, аммо буйруқ қилмас экан.

Масалан, Юнг ҳеч қачон «Мана буни бундоқ, уни ундоқ қилинг» ёки «Бунақанги иш қилманг» деган буйруқ гапларни қўлламаган. У «Мана бундоқ бўлгани маъқулмасми» ёки «Ўйлаб кўринг-а, шундоқ қилингани яхши эмасми?» дерди. Кўпинча мактубни айтиб ёздирганидан сўнг «Бу ҳақда фикрингиз қандай?» деб сўрарди. Ёрдамчилари ёзган хатни кўздан кечириб, фикр билдирганида «Шу гапларни балки мана бу тарзда айтсак яхшироқ бўлармиди?» дерди. Ўз ёрдамчиларига ҳеч қачон: «Ишни мана бундай, мана бундай қилинглар», демаган. Уларга ўзлари мустақил ҳаракат қилишлари ва ўз хатоларидан хулоса чиқариб олиш имконини берган.

Шундай қилиб, одамни хафа қилмай ва унда норозилик туғдирмай, унинг позициясини ўзгартириш учун, — **Унга буйруқ қилиш ўрнига саволлар беринг.**

ҚАДР-ҚИММАТНИ ЕРГА УРМАНГ

Умумий электр кампаниясн бундан бир неча йил муқаддам хижолатли бир ишга дуч келди: бўлим бошлиғи лавозимидаги Чарльз Стейметцни бошқа ходим билан алмаштириш керак эди. Электр билан боғлиқ барча нарсаларда генийликда Стейнметцнинг олдига тушадиган йўқ, аммо у маъмурий ишга нўноқ эди. Бироқ компания унинг иззат нафсига тегмоқчи эмасди. У компанияга керакли одам бўлиб, табиати ниҳоятда нозик эди. Шунинг учун унга янги номдаги ишни таклиф этишга қарор қилинди. У умумий электр компаниясининг консультант-инженери бўлди, бўлим бошлиғига бошқа шахс тайинланди.

Стейнметц бундан мамнун бўлди.

Умумий электр компаниясининг раҳбарлари ҳам мамнун бўлишди. Улар ўзларининг энг қизиққан юлдузларини лавозимидан туширишди, аммо норозилик туғёнига чап беришди — айни замонда Стейнметцнинг қадри камситилмади.

Камситмаслик! Бу жуда муҳим, ҳаётий муҳим масала! Бу ҳақда ўйлайдиганлар жуда оз. Биз ўз мақсадимизга эришиш учун бошқаларнинг хатосини қидириб топиб, пўписа қилиб, тобеъ бўлган кимса ёки ёш болани одамлар олдида изза қилиб, уларнинг ҳиссиётини қўполлик билан оёқ ости қиламиз, ғурурини камситиб, изтиробга соламиз. Ваҳолонки, босиқлик билан бир дақиқа ўйлаб кўриш, оғизга келганини айтиб юбормаслик, бошқа одамнинг ҳолатини холисона тушуниш оғир дард-аламни юмшатишга кўп даражада кўмаклашади!

Бирон бир ходимни ишдан бўшатишдек кўнгилсиз заруратта дуч келиб қолсак қандай муомала қилишни эсга олайлик.

«Хизматчиларни ишдан бўшатиш унчалар кўнгилли иш эмас. Ишдан бўшатилганлик — бундан ҳам баттар» (дипломли жамоатчи бухгалтер Маршалл Г. Грейнжернинг менга йўллаган мактубидан). Биз асосан мавсумий иш билан бандмиз. Шу боисдан бизга март ойида кўп хизматчиларни ишдан бўшатишга тўғри келади. «Бизда бугунги ишни эртага қўйма» деган мақол кўп ишлатилади. Шунинг учун ўша кўнгилсиз ишни тезроқ амалга ошириш одати жуда ўрганиш бўлиб қолган ва у одатда қуйидагича йўсинда бажарилади: «Ўтиринг, мистер Смит. Мавсум тамом бўлди, бўёғига сизга қандай иш топиб беришга бошимиз қотиб қолди. Сизни мавсумий ишга олганимизни тушуниб турибсиз, албатта, ва ҳоказо шунга ўхшаш гаплар».

Бундай муомаладан одамларнинг кўнгли озор топар ва қадр-қиммати камситилар эди. Уларнинг кўпчилиги умр бўйи ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланиб келишган, шу боис улар бепарвогина ишдан бўшатиб юбораверадиган фирмага меҳр қўйишмаганди.

Яқинда мен хизматчиларимизни ишдан бўшатишда андишалилик ва ҳурматни жойига қўйишга қарор қилдим. Ходимларнинг қишда қандай ишлагани билан батафсил танишиб чиқдим-да, кейин ҳар бир ходимни ҳузуримга алоҳида-алоҳида таклиф этдим. Тахминан шундай муомала қилдим: «Мистер Смит, сиз жуда соз ишладингиз (агар ростданам шундай ишлаган бўлса, албатта). Сизни Нью-Аркка юборганимизда олдингизга оғир вазифа қўйилган эди, сиз уни ажойиб равишда уддаладингиз ва «ҳилпираган байроқ» билан қайтиб келдингиз; фирма сиз билан фахрланишини билиб қўйишингизни хоҳлардик. Сиз ўз ишингизда устаси фаранг экансиз — қаерда ишламанг, катта ютуқларга мушарраф бўласиз. Фирмамиз сизга ишонади ва уни эсдан чиқармаслигингизни истардик».

Хўш, самара қандай? Одамлар ишдан бўшатилганликларини анча енгил ҳазм қилишди. Улар ўзларини камситилган деб ҳис этишмади. Улар, агар ўрин бўлганида биз уларни бўшатмаслигимизни ҳис этишди. Улар бизга яна керак бўлиб қолишса, фирмага шахсан ихлосмандлик ҳисси билан яна келишади.

Яна бир мисол. Юз йиллик кескин қарама-қаршиликдан сўнг 1912 йилда турклар грекларни Туркия территориясидан бир умрга ҳайдаб чиқаришга аҳд қилишди. Мустафо Комол ўз жангчилари олдида Наполеон услубида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: «Сизнинг мақсадингиз — Ўрта ер денгизи» ва шундан эътиборан энг янги тарихда ғоят шафқатсиз уруш бошланиб кетди. Турклар ғалаба қилишди. Шундан кейин икки нафар грек генерали — Трикупис ва Дионис таслим бўлганлик хусусидаги ҳужжатга имзо чеккани Комолнинг қароргоҳига келганларида Туркия халқи мағлуб душманлар бошига оллоҳнинг бутун қаҳр-ғазаби ёғилсин, деб қарғади.

Аммо Комолнинг хулқи-атворида ғолиблик таънасидан асар ҳам йўқ эди. «Ўтиринглар жаноблар, — деди у уларнинг қўлини қисиб, — ҳойнаҳой чарчаган бўлсаларинг керак». Кейин ҳарбий компания ишларини маъюслик билан муҳокама қилиб, уларнинг мағлубиятини юмшатиш ниятида жангчи-жангчига дейдиган гапларни айтди: «Уруш — бу бир ўйинки, унда баъзан билағонлар ҳам энг ёмон аҳволга тушиб қоладилар».

Комол ғалаба нашидасидан сармаст бўладиган ҳолатда ҳам, **инсонга ўз қиёфасини сақлаб қолиш имконини беринг**, деган муҳим қоидани эсдан чиқармади.

(Давоми бор. Боши. газетанинг ўтган сонларида).

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

19 ИЮНЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 14.30 «Одам амфибия». Бадиий фильм. 16.00 Телефильмлар. 16.45 «Аллома». 17.15 Телефильм. 17.30 Иншо қандай ёзилади? 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ҳокимият — Советларга. 19.20 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Шеърият дафтаридан. 20.30 СССР халқ депутатлари билан учрашувлар. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ахборот. 22.35 «Ахборот» танқид қилади. 22.45 Телеминиатюралар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 «Ишончли қўл — индеецлар дўсти». Бадиий фильм. 11.05 Ҳайвонот оламида. 12.05 Концерт. 16.05 Болалар учун фильм. 17.25 Концерт. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.45 Мультфильм. 19.15 Рассом устахонасида. 19.30 Болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқариш муаммолари. 20.00 Концерт. 20.10 «Бевалар кемаси». Фильм-спектакль. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Бевалар кемаси». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 Футбол шарҳи. 24.00 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Саҳна санъати усталари. 10.15 Концерт. 11.00 Итальян тили. 11.40 Ҳужжатли фильм. 12.00 «Қизил погонлар». Бадиий фильм. Биринчи серия. 13.10 Ҳужжатли фильм. 13.20 Мультфильмлар. 13.50 Бу дунёни ҳаяжонлантирмоқда. 14.05 «Жангга фақат қариялар киради». Бадиий фильм. 15.35 Ҳужжатли фильм. 17.50 Янгиликлар. 18.00 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 19.00 Ҳужжатли фильм. 19.30 Эркин кураш. СССР чемпионати. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Ҳужжатли фильм. 20.35 Баскетбол. Европа чемпионати. 21.20 Узоқ шарқ. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Совет Армияси қўшиқлари. 23.55 Янгиликлар. 24.00 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (М).

20 ИЮНЬ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 14.30 Телефильм. 15.05 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 16.30 Қувноқ стартлар. 17.30 Математика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Сўз кетидан сўз келар. 18.45 Болалар учун фильм. 19.30 Чорвадор. 20.00 Ахборот. 20.20 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 20.45 Шу куннинг долзарб мавзуси. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Ахборот. 22.20 Реклама. 22.25 Одамлар ва тақдирлар. 23.35 Телефильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Бевалар кемаси». Фильм-спектакль. 12.05 ...Бу бўлган, бўлганди. 12.25 Ҳужжатли фильмлар. 12.55 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (М). 15.55 Концерт. 16.30 Экранда Сибирь. 16.40 Бор бўл, музика! 17.25 Ишбилармон кишилар учрашуви. 18.25 Балет артистларининг халқаро конкурси. 18.55 Мультфильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Композитор В. Добринин ижодий кечаси. 21.30 Время. 22.00 Концерт. 22.30 Резонанс. 24.00 Мультфильм. 00.20 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Саҳна санъати усталари. 10.35 Француз тили. 11.05 Ҳужжатли фильм. 11.25 Фильм-концерт. 12.00 «Қизил погонлар». Бадиий фильм, 2-серия. 13.05 Француз тили. 13.35 Мультфильм. 13.50 Янгиликлар. 14.00 «Хўжайин». Бадиий фильм. 15.40 Ритмик гимнастика. 17.20 Янгиликлар. 17.30 «Балоғатга етмаганлар». Бадиий фильм. 18.50 Концерт. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 Давр ва ўзим ҳақимда. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Телеочерк. 21.30 Время. 22.00 Балет артистлари халқаро конкурси. 23.30 Тонгги почта. 24.00 Янгиликлар.

21 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 14.30 «Ҳазил». Бадиий фильм. 16.05 Телефильмлар. 16.45 Физика. 17.05 Телефильм. 17.30 Қизиқарли математика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Динамо» (Бт). Танаффусда — Ахборот. 20.50 Устозлар изидан. 21.30 Время. 22.00 Ахборот. 22.20 «Изланиш». 22.50 Иқбол.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Бор бўл, музика! 9.50 Саёҳатчилар клуби. 10.50 «Камалак». 11.25 Баскетбол. Европа чемпионати. 16.05 Музикали хазина. 16.55 Ишбилармон кишилар учрашуви. 17.55 Фалсафий суҳбатлар. 18.55 Баскетбол. Европа чемпионати. 20.30 Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 Время. 22.00 Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. 23.00 Дунё воқеалари. 23.15 Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Саҳна санъати усталари. 10.15 Немис тили. 10.45 Концерт. 11.00 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 12.00 «Қизил погонлар». Бадиий фильм, 3-серия. 13.05 Мультфильм. 13.20 Немис тили. 13.50 Янгиликлар. 14.00 «Балоғатга етмаганлар». Бадиий фильм. 15.25 Ҳужжатли фильм. 17.20 Янгиликлар. 17.30 «Урузмагнинг қайтиши». Бадиий фильм. 18.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.25 Давр ва ўзим ҳақимда. 19.40 Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Концерт. 20.55 Реклама. 21.00 Телеочерк. 21.30 Время. 22.00 Балет артистларининг халқаро конкурси. 23.30 Янгиликлар.

22 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 14.30 «Охирги гайдук». Бадиий фильм. 16.05 Телефильмлар. 16.45 Заиф болалар 102-мактаб интернати ҳақида ҳикоялар. 17.30 Химия. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Инсон болаликдан бошланади. 18.50 Эстафета давом этади. 19.20 Тил — маданият кўзгуси. 20.00 Ахборот. 20.20 Озиқ-овқат программаси амалда. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Қиёмат қарз». Спектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Йо-хо-хо». Бадиий фильм. 10.55 Киноконцерт. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.35 Концерт. 16.05 «042 қаерда?». Бадиий фильм. 17.20 Кит байрами. 17.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 Компьютер билан мулоқот. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳокимият — Советларга. 20.00 Концерт. 20.10 «Гувоҳ». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Гувоҳ». Бадиий фильм, 2-серия. 23.20 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 10.15 Испан тили. 10.45 XXI асрга экспедиция. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 «Ўтлоқдаги нонушта». Бадиий фильм, 1-серия. 13.05 Концерт. 13.20 Испан тили. 13.50 Янгиликлар. 14.00 «Урузмагнинг қайтиши». Бадиий фильм. 15.10 Ҳужжатли фильм. 17.15 Янгиликлар. 17.25 «Июнь маррази». Бадиий фильм. 18.40 Баскетбол. Европа чемпионати. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Қўшиқ инсон билан қолади. 21.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 21.30 Время. 22.05 Совет Армияси қўшиқлари. 23.05 Янгиликлар.

23 ИЮНЬ, ЖУМА

УзТВ-I. 14.30 «Сир очилди». Бадиий фильм. 15.50 Кинопрограмма. 17.30 Биология. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Новатор ўқитувчилар билан учрашув. 19.20 Адабий кўрсатув. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Мақом кечаси. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ахборот. 22.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. 23.35 «Жўра саркор». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Гувоҳ». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.40 Баскетбол. Европа чемпионати. 13.00 Инсон. Ер. Коинот. 14.00 Очиқ рояль. 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.10 Образ. 17.40 Экологик программа. 18.40 Интерсигнал. 19.10 Дунё воқеалари. 19.25 Баскетбол. Европа чемпионати. 20.45 Киноочерк. 21.30 Время. 22.05 Ҳужжатли фильмлар. 22.55 Мультфильм. 23.45 Фильм-концерт. 00.05 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Саҳна санъати усталари. 10.35 Концерт. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Бор бўл, музика! 12.00 «Ўтлоқдаги нонушта». Бадиий фильм, 2-серия. 13.10 Концерт. 13.20 Инглиз тили. 13.50 Янгиликлар. 14.00 «Июнь марраси». Бадиий фильм. 15.15 Ритмик гимнастика. 17.20 Янгиликлар. 17.30 «Анна Петровна». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 19.45 Концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Ритмик гимнастика. 20.55 Ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги давр. 21.30 Время. 22.05 «Анна Петровна». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 00.20 Концерт. 00.45 Янгиликлар.

24 ИЮНЬ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ёшлик». 11.30 Китоб дўстлари. 12.25 Замандас. 13.25 Муаммо билан юзма-юз. 14.25 Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 15.15 Бугун — Ихтирочилар ва рационализаторлар куни. 15.45 Гражданлик мудофааси тревогасига биноан. 16.15 Яна бир бор ижара ҳақида. 18.05 Мультфильм. 18.25 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.00 Футбол. «Пахтакор» — «Кубань». 20.50 Ахборот. 21.10 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Дўстлик экрани. 23.05 Қувноқлар ва зукколар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Уй академияси. 9.30 Социализм мамлакатларида. 10.00 Балет артистлари халқаро конкурси. 14.00 Асосий масалага тўхталиб ўтсак. 15.30 «Кўксерек». Бадиий фильм. 17.05 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.05 Халқаро программа. 19.05 Мультфильмлар. 19.30 Солдатлар куйлаганда. 21.30 Время. 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 Аншлаг. 23.40 Ярим тунгача, ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Янгиликлар. 9.55 Ҳужжатли фильмлар. 10.35 «Низомий». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 12.40 Енгил атлетика. Халқаро мусобақа. 13.40 Концерт. 14.00 Янгиликлар. 14.10 Концерт. 15.10 ..16 ёшгача ва ундан катталар. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Театр ва замон. 17.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Ҳужжатли фильмлар. 21.30 Время. 22.05 «Олти кронга ревю». Бадиий фильм. 23.05 Янгиликлар. 23.10 Телеочерк.

25 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Оила даврасида. 10.50 Биргаликда куйлаймиз. 11.15 Сиз севган қаҳрамонлар. 12.15 Спорт программаси. 13.40 «Дўстлик» программаси. 14.40 Светофор. 15.25 Халқ севган достонлар. 16.25 Истеъмолчи ва сифат. 17.25 Реклама. 17.50 Мультфильмлар. 18.30 Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.15 Ёшлик. 20.00 Ахборот. 20.20 Қадрият. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Огарева, 6». Бадиий фильм.

МТ-I. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга саёҳат. 13.00 «Қийшиқ кўзгулар қироллиги». Бадиий фильм. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Мультфильм. 16.05 Музикали программа. 16.40 Қишлоқ янгиликлари. 17.40 Халқаро панорама. 18.25 Мультфильмлар. 18.50 Концерт. 20.00 Кинорежиссёр Р. Биков билан учрашув. 21.30 Время. 22.05 Салом, доктор! 22.20 Футбол. СССР кубоги. Финал. «Торпедо» — «Днепр».

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 «Анна Петровна». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.00 Акс-садо. 11.15 Сахалин — Хоккайдо телекўприги. 12.25 Доғистон ёшлиги. 12.55 «Гражданлик даъвоси». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.10 «Гражданлик даъвоси». Бадиий фильм, 2-серия. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.10 Енгил атлетика. Халқаро мусобақалар. 17.10 Ёшлар ва экология. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.25 Гўзаллик конкурси қатнашчилари ҳақида. 21.15 Салом, доктор! 21.30 Время. 22.05 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм. 23.40 Баскетбол. Европа чемпионати. 00.20 Янгиликлар. 00.30 «Роккафе».

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 01310. Б. — 144. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12